

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил июль ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, очиқ сайёр суд мажлиси Наманган вилоят юридик техникуми биносида, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг судьяси А.Қахрамоновнинг раислигида, С.Мирзаназарованинг котиблигида, тарафлардан Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдумажидов, судланувчи Хотамжонов Умархон Бахтиёр ўғли, Хотамжанов Аҳадхон Бахтиёр ўғли, Хотамжонов Авазхон Бахтиёр ўғли, Б.Шарифжанов, А.Шарифжанов ва уларнинг ҳимоячиси-адвокат Ё.Тожибоев, жабрланувчилар Латипбаев Аҳадхон Абдурахмонович, Латипбаев Абдулазиз Абдурахмон ўғли иштирокида, Хотамжонов Умархон Бахтиёр ўғли, Хотамжанов Аҳадхон Бахтиёр ўғли, Хотамжонов Авазхон Бахтиёр ўғли, Шарифжанов Бекзод Маматхон ўғли, Шарифжанов Абубакр Маматхон ўғлига оид 1-1601-2408/793-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Хотамжонов Умархон Бахтиёр ўғли 1995 йил 4 ноябрда Наманган шаҳрида туғилган, Наманган шаҳарда туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланмаган, ишламайди, Наманган шаҳар, “Ҳақиқат” МФЙ, Марғилон кўчаси 16-уйда яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини 2024 йил 20 июнда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ЖКнинг 277-модда 3-қисми «г» банди билан;

Хотамжанов Аҳадхон Бахтиёр ўғли, 1997 йил 2 июнда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишламайди, Наманган шаҳар, “Ҳақиқат” МФЙ, Марғилон кўчаси, 16-уйда яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини 2024 йил 20 июнда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ЖКнинг 277-модда 3-қисми «а,г» бандлари билан;

Хотамжонов Авазхон Бахтиёр ўғли, 2001 йил 27 октябрда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, муқаддам судланмаган, ишламайди, Наманган шаҳар, “Ҳақиқат” МФЙ, Марғилон кўчаси 16-уйда яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини 2024 йил 20 июнда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ЖКнинг 277-модда 3-қисми «г» банди билан;



Шарифжанов Бекзод Маматхон ўғли 1999 йил 10 июнда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, муқаддам судланмаган, ишламайди, Наманган шаҳар, “Янги аср” МФЙ, Марғилон кўчаси 5-уйда яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини 2024 йил 20 июнда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ЖКнинг 277-модда 3-қисми “г” банди билан;

Шарифжонов Абубакр Маматхон ўғли 2003 йил 14 апрелда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, уйланмаган, муқаддам судланмаган, ишламайди, Наманган шаҳар, “Янги аср” МФЙ, Марғилон кўчаси 5-уйда яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини 2024 йил 20 июнда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ЖКнинг 277-модда 3-қисми “г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, давлат айбловчиси ва ҳимоячиларнинг фикрларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб, тарафларнинг музокарасини, судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи У.Хотамжанов 2024 йил 22 апрель куни соат 14:00 ларда укалари Хотамжанов Аҳадхон Бахтиёр ўғли, Хотамжонов Авазхон Бахтиёр ўғли ва қариндошлари Шарифжанов Бекзодбек Маматхон ўғли ва Шарифжанов Абубакр Маматхон ўғли билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Наманган шаҳар, “Янги аср” МФЙ ҳудудида жойлашган, “Nestle” маҳсулотларини ишлаб чиқариш заводи олдига боришиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, жамоат жойи ҳисобланган “Янги аср” МФЙ ҳудуди ички йўлда фуқаро Латипбаев Абдулазиз Абдурахмон ўғли билан ҳеч бир сабабсиз, ўзаро жанжаллашиб, уни шериклари билан уриб-дўппослаб, безорилик ҳаракатларини олдини олмоқчи бўлган А.Латипбаевни акаси фуқаро Латипбаев Аҳадхон Абдурахмоновичга фаол қаршилик кўрсатиб, уни ҳам уриб дўппослаб, безорилик қилган.

Шунингдек судланувчи А.Хотамжанов 2024 йил 22 апрель куни, соат 12 ларда Наманган шаҳар, “Янги аср” МФЙ, ҳудудида жойлашган, “Минор” умумий овқатланиш биноси ёнида, Наманган шаҳар, “Янги аср” МФЙда, яшовчи вояга етмаган Содиқов Абдулахадхон Эркин ўғлини йўлни тўсиб, тўхтатиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, жамоат жойи ҳисобланган “Янги аср” МФЙ ҳудуди ички йўлда фуқаро



Содиқов Абдулахадхон Эркин ўғлини ҳеч бир сабабсиз, ўзаро жанжаллашиб, уриб-дўппослаб, безорилик қилган.

Судланувчи У.Хотамжонов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2013 йилда туғилган вояга етмаган Хотамжонова Ойшабиби исмли синглиси борлиги, 2009 йилда туғилган узоқроқ қариндоши Содиқов Абдулахадхон исмли йигит синглисига қоғозда хат ёзиб у билан гаплашиб юришини айтиб ёзилгани, у ва укаси Ахатхон бу ҳақда билиб қолганидан сўнг уни акаси Абдулазизга тушунтириб қўйишни айтгани, 2024 йил 22 апрель куни соат 12 ларда маҳаллада укаси Авазхон билан бирга бўлган вақтида укаси Ахатхон қўнғироқ қилиб Абдулазиз билан телефонда гаплашган вақтида унга сўкинганини, у билан кўришиб олдига келиб уришмоқчилигини айтгани, шундан сўнг укаси Авазбек билан бирга оиласига тегишли бўлган “Ваз-2101” русумли 50G270DB рақамли автомашинада укаси Ахадхонни олдига боришгани, Ахадхони ҳам олишиб, уччаласи Абдулазиз турган Наманган шаҳар Янги аср МФЙ худудида жойлашган “Нестле” заводи олдига боришгани, укаси Ахадхон билан Абдулазиз иккаласи дастлаб автомашинадан тушиб ўзаро гаплашиб туришгани, у билан укаси ҳамда Абдулазизни акаси Ахадхон ўзини автомашинасида у билан укаси Авазхон ўзини автомашинасида ўтириб туришгани, укаси Ахадхон билан Абдулазиз иккаласи гап тортишиб кетганидан сўнг у билан укаси Авазхон иккаласи автомашинадан тушгани, Абдулазиз укасини урмоқчи бўлиб ёнига яқинлашиб келаётган вақтида уни уриб юбормасин деб қўли билан мушт отканида Абдулазизни юзига текани, шундан сўнг Абдулазизни қўли билан ушлаб олгани, Ахатхон укаси уни юз қисмига бир-икки мушт уриб юборгани, шундан сўнг Абдулазизни акаси Ахатхон ҳам жанжалга араллашиб келгани ва укаси Авазхон билан ёққа сиқишиб кетишгани ва иккаласи ерга йиқилиб тушгани, шундан сўнг шу маҳаллада яшовчи қариндоши Бекзодбек билан Абубакир иккаласи бирин-кетин келишгани, улар келган вақтида улар уришиб жанжаллашиб бўлган ва ўзаро гаплашиб бир-бирларига қўл бериб узр сўраб туришгани, шундан сўнг ўша ерни ўзида ўзаро келишиб ярашиб ҳаммалари у ердан тарқалиб кетишгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Ахадхон Хотамжанов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб 2013 йилда туғилган вояга етмаган Хотамжонова Ойшабиби исмли синглиси борлигини, синглисига 2009 йилда туғилган узоқроқ қариндоши Содиқов Абдулахадхон синглисига қоғозда хат ёзиб у билан гаплашиб юришини айтгани, шундан сўнг у ва акаси Умархон уни билиб қолганидан сўнг уни акаси Абдулазизга тушунтириб қўйишни айтишгани, 2024 йил 22 апрель куни соат 12 ларда у Абдулахадни маҳалласида кўриб қолиб уни олдига бориб “ука синглимга бунақа иш қилиб хат ёзиб бошқа қилма” деганида у қилган ишини тан олмасдан қўпол гап гапирганида жаҳли чиқиб уни юз қисмига қўли билан бир маротаба шапалоқ уриб юборгани, шундан сўнг унга “даданга қўнғироқ қил” деб айтганида у индамай уни телефонини сўрагани ва ўзи рақам териб бир



киши билан гаплашинг деб телефонда рўпара қилгани, у ушбу телефондаги одам ким деб сўраганида у “гаплашинг устам” деб айтгани, ундан телефонини олиб гаплашганида ўзини кимлигини таништирмасдан у билан салом алик қилиб унга “ бу йигит ким бўлади буни дадаси бўласизми” деб сўраганида у “йўқ, синглинга нима дебди” деб қўпол оҳангда гапирганида унга “ака сизни ҳам синглингиз борми” деб айтганида “мен сенга савол бердим синглинга нима дебди” деб гапирганида унга “телефонда гаплашадиган гап эмас кўришиб гаплашсак кейин айтаман нима деганини” деб айтганидан сўнг у билан бироз телефонда тортишиб телефонни ўчириб қўйгани, А.Содиқовдан телефонда у билан гаплашган одам кимлигини сўраганида уни исми Абдулазиз эканлигини уни устаси бўлишини айтганидан сўнг уни таниб, кўча таниши Акмалхонни акаси эканлигини билиб унга қайтиб қўнғироқ қилгани, унга укасини ошнаси эканлигини айтганида у унга қўпол гапириб, “сен зўрмисан, ҳокиммисан” деб уни ҳақорат қилганида унга ҳақорат қилмасликни айтганида у ишхонасида эканлигини айтганидан сўнг акаси Умархон ва укаси Авазхонлар билан бирга Абдулазизни ишхонаси Наманган шаҳар, Янги аср МФЙ худудида жойлашган “Нестле” заводини орқасидаги кўча бошига боришгани, акаси Умархон укаси Авазхон бирга автомашинада тушганида Абдулазиз ва уни ёнида акаси Аҳад ҳам бўлгани, у дастлаб Абдулазиз билан ўзаро гаплашган вақтида укаси ва акаси ҳамда Аҳадхонлар ўзларини автомашиналарида ўтиришган бўлгани, Абдулазиз билан ўзаро гаплашиб турган вақтида Абдулазиз уриш ниятида унга яқинлашиб келаётганида акаси Умархон унга бир мушт отганида тегмагани, шу пайт Абдулазиз у уришиб ёққалашиб кетишгани, Абдулазизни юз қисми ва бурун кўз аралаш соҳасига 3 та мушт ургани, акаси Умархон билан укаси Авазхонлар ҳам жанжалга араллашиб Авазхон ажратгани, акаси Умархон ҳам ажратишга ҳаракат қилгани, жанжаллашиб турган вақтида қаердандур қариндошлари Абубакир билан акаси Бекзодбек иккаласи келиб қолиб уларни тинчлантириб ажратишгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатуб берди.

Судланувчи Авазхон Хотамжонов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, синглиси Хотамжонова Ойшабибига узоқроқ қариндоши Содиқов Абдулахадхон хат ёзиб у билан гаплашиб юришни таклиф қилганини оила аъзолари билиб қолганидан сўнг уни акаси Абдулазизга тушунтириб қўйишмоқчи бўлишгани, 2024 йил 22 апрель куни соат 12 ларда махаллада укаси Умархон билан бирга бўлган вақтида акаси Умархонга ўртанча акаси Аҳадхон қўнғироқ қилиб Абдулазиз билан телефонда гаплашган вақтида унга сўкингани уни олдига келиб уришмоқчи эканлигини айтгани, шундан сўнг акаси Умархон билан бирга оиласига тегишли бўлган “Ваз-2101” русумли 50G270DB рақамли автомашинада укаси Аҳадхонни олдига боришгани, Аҳадхонни автомашинага олиб уччаласи Абдулазиз турган жой Наманган шаҳар Янги аср МФЙ худудида жойлашган “Нестле” заводи олдига боришгани, акаси Аҳадхон билан Абдулазиз иккаласи дастлаб автомашинадан тушиб ўзаро



гаплашиб туришганида у билан акаси ва Абдулазизни акаси Ахадхон ўзини автомашинасида у билан акаси Умархон ўзларини автомашинасида ўтириб туришгани, акаси Ахадхон билан Абдулазиз иккаласи гап тортишиб кетганидан сўнг у билан акаси Умархон иккаласи тушишгани, Абдулазиз акасини урмоқчи бўлиб ёнига яқинлашиб келаётган вақтида акаси Умархон уни уриб юбормасин деб қўли билан мушт отканида Абдулазизни юзига теккани, шундан сўнг Абдулазизни акаси Умархон қўли билан ушлаб олгани, акаси Ахатхон уни юз қисмига бир-икки мушт уриб юборгани, шундан сўнг Абдулазизни акаси Ахатхон ҳам жанжалга аралашиб келгани, у билан ёққа сиқишиб кетиб, иккаласи ерга йиқилиб тушгани, шундан сўнг шу маҳаллада яшовчи қариндошлари Бекзодбек билан Абубакирлар иккаласи бирин-кетин келишгани, улар келган вақтида уришиб жанжаллашиб бўлган ва ўзаро гаплашиб бир-бирларига қўл бериб узр сўраб туришгани, шундан сўнг уша ерни ўзида ўзаро келишиб ярашиб олганидан сўнг ҳаммалари у ердан тарқалиб кетишгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Б.Шарифжанов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, Хотамжонов Авазхон Бахтиёр ўғли, Хотамжонов Умархон Бахтиёр ўғли, Хотамжонов Ахадхон Бахтиёр ўғли унга қариндош бўлишини, жабрланувчилар Латипбаев Ахадхон Абдурахмонович ва уни укаси Латипбаев Абдулазизлар уни маҳалладоши эканлигини, 2024 йил 22 апрель куни соат 13 ларда Наманган шаҳар, Янги аср МФЙ худудида жойлашган “Минор” номли умумий овқатланиш жойидан бир ўзи овқатланиб бўлиб, яшаш хонадонига кириб кетаётган вақтида “Нестле” заводини орқа томонига етган вақтида Латипбаев Ахадхон, Латипбаев Абдулазиз, Умархон, Авазхон, Ахадхон ва укаси Абубакирни ўзаро гап тортишиб туришганини кўргани, уларни олдига борганидан сўнг улардан нима бўлганини, нима сабабдан тортишиб туришганини сўрагани, уларни сухбатини эшитиб кўрганида Ахадхон билан Абдулазиз бирга ўзаро бир-биридан узр сўрашаётгани, Абдулазизни акаси Абдулахаддан нима бўлганини сўраганида улар ўзаро гап тортишиб уришиб қолишгани ва узаро келишиб ярашиб олишганини айтгани, укаси Абубакирни кийимидан ташқари қолган хаммасини кийими тупроқ ҳолатда бўлгани, укаси Абубакирдан нима қилаётганини сўраганида у уйга келаётган вақтида улар бир-бирини уриб туришгани, уларни ажратиб қўйганини айтгани, мазкур ҳолат бўлиб ўтганидан сўнг шу куни соат 20:00 лар Наманган шаҳар ИИБга МФЙ профилактика инспектори чақириб бўлган ҳолатни сўраб суриштиришгани уларга бўлган ҳолатни айтиб бергани ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи А.Шарифжонов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, судланувчилар Хотамжонов Авазхон Бахтиёр ўғли, Хотамжонов Умархон Бахтиёр ўғли, Хотамжонов Ахадхон Бахтиёр ўғли унинг қариндошлари эканлигини, жабрланувчилар Латипбаев Ахадхон Абдурахмонович ва уни укаси Латипбаев Абдулазизлар эса маҳалладоши эканлигини, 2024 йил 22 апрель куни соат 12 ларда Наманган шаҳар, Янги



аср МФЙ худудида жойлашган “Чинор” номли умумий овқатланиш жойида ўртоғи Асадбек билан бирга тушлик қилиб бўлиб, Наманган шаҳар, “Нестле” заводини олдида пиёда ўтиб кетаётган вақтида олдида “Ваз-2101” русумли 50G270DB давлат рақамли автомашина ўтиб кетгани, ушбу автомашина салонида қариндошлари Авазхон, Аҳадхон ва Умархонларники борлигини кўргани, улар уни ёнидан тўхтамасдан тезда ўтиб кетишгани, йўлида кетишда давом эттириб кетаётганида янги қурилган ИИБга қаарашли бино олдида қариндошлари Аҳадхон, Авазхон, Умархонлар ака-ука Латипбаев Абдулазиз ва уни акаси Аҳадхонлар бир бири билан уришиб туришган эканлигини кўриб улар томонга қараб югуриб боргани, шу ерда бўлган Абдулазизни гавдаси катта бўлгани сабабли уларни ажратишни бошлагани, етиб борган вақтида Абдулизиз билан қариндоши Аҳадхон иккаласи бу томонда Авазхон билан Абдулазизни акаси Аҳадхон ака иккаласи уришиб Авазхонни бўйнидан бўғиб турган ва шу ерда бўлган Умархон икки томонга бўлиниб ажратиб тургани, шундан сўнг уларни икки томонга ажратишга ўтгани, уларни ажратиб бўлганидан сўнг акаси Бекзодбек келиб у ҳам ажратишга ўтгани, шундан сўнг ҳамма тинчланиб бир биридан узр сўраб ўзаро келишиб, ҳамма тарқалиб кетгани, шундан сўнг орадан бироз вақт ўтиб соат 20 ларда Наманган шаҳар ИИБга чақиртиришгани ва ҳолат юзасидан сўраб суриштиришгани, қилган ишидан чинг кўнгилдан пушаймондалигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчилар У.Хотамжонов, А.Хотамжанов, А.Хотамжонов, Б.Шарифжонов, А.Шарифжоновлар юқорида баён этиб ўтилган ҳолатлардаги айбига тўлиқ иқдор бўлиб иш ҳолатларини батафсил баён этиб кўрсатувлар бериб ўтган бўлсада, уларнинг айби қуйидаги жабрланувчиларнинг кўрсатувлари ва бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Жабрланувчи Латипбаев Аҳадхон Абдурахмонович суд мажлисида, жабрланувчи Латипбаев Абдулазиз Абдурахмон ўғли укаси бўлишини, 2024 йил 22 апрель куни соат 13 ларда Наманган шаҳар, Янги аср МФЙ худудида жойлашган иш хонасида бўлган вақтида олдида укаси келиб, уни олдида 3-4 та боллар келаётганини телефон орқали ўзаро гап тортишиб қолганлиги сабабли у билан бирга чиқиб келишни айтганида дастлаб рози бўлмагани, шундан сўнг у билан бирга боришга рози бўлиб у билан бирга Янги аср МФЙ худудидаги “Нестле” маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган заводни олдида келиб йўлни четига тўхташгани, укаси автомашидан тушиб, йўлни нариги тарафига ўтгани, у автомашинада қолгани, оқ рангли “Ваз-2101” русумли 270 давлат рақамли автомашинадан жами дастлаб 4 нафар йигитлар тушгани, уларни биттаси укаси Акбаржонни ўртоғи Аҳадхон ва уни акаси Умархон ва укаси Авазхон ва уларни қариндоши битта маҳалда яшовчи маҳалдоши Абубакирлар эканлигини кўргани, автомашинада ўтирган вақтида укасини олдида келган 4 нафар йигитлар укасини урмоқчи бўлиб турганини сезиб, автомашинадан тушган вақтида шулардан энг кичиги Авазхон олдида келиб, “сен аралашма” деб айтганида у “нима сабабдан аралашмайман укам бўлса” деб айтганидан сўнг Умархон, Аҳадхон,



қариндоши махалладоши Абубакирлар укасини уришни бошлашгани, уларни олдига ажратиш мақсадида борганида махалладоши Абубакирни акаси Бекзодбек ҳам келиб, укаси Абдулазизни биринчи ўрндан турган вақтида қўли билан уриб ерга думалатиб юборгани, шундан сўнг шу ерда бўлган жами 5 нафар йигитлар ҳаммаси укаси билан унга ташланиб уришиб кетишгани, уларни улар билан бирга келган йигит ва ўша атрофда бўлган фуқаролар ажратиб қўйишгани, жанжал тугаганидан сўнг Умархон унга қараб нима муаммо бор, қаерга бориш керак бўлса шу ерга бораман деб кетиб юборгани, улар ҳам укаси билан ишхонасига кетишгани, укасидан нима сабабдан уришиб жанжал чиққанни сўраганида укасини шогирди Абдулахадхон исмли вояга етмаган 2009 йилда туғилган болани Ахатхон синглисига гапирдинг деб ургани учун укасига қўнғироқ қилиб берганини ва телоефонда укаси билан Ахадхон ўзаро гап тортишиб қолганини айтгани, чап қулоғидан қон оқиши тўхтамагани ва укасини юз ва бурни синганини кўриб иккаласи Янги Наманган тумани, Гузал МФЙ ҳудудида жойлашган РШТЎИМНВФга бориб мурожаат қилишгани, шифокорлар уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишгани, қулоғи йиртилгани сабабли қулоғини жаррохлик йўли билан тикиб қўйишгани, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини, уларга қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Латипбаев Абдулазиз Абдурахмон ўғли суд мажлисида ишхонасига келаётган вақтида махалласида жойлашган “Минор” номли ошхонасини олдига шогирди А.Содиқов унга қўнғироқ қилиб, Ахадхон исмли йигит “синглимга гапирибсан” деб уни урганини телефонни Ахадхон исмли йигит бергани, телефонда у билан нима сабабдан кичкина болани урганини сўраганида у А.Содиқов синглисига гапирганини айтгани, у билан гаплашиш вақтида синглисига нима деб гапирганини сўраганида у қизишиб кетиб “сени нима ишинг бор” деб айтганида у билан телефонда тортишиб кетиб уни сансираб кўришиб гаплашиб олишни айтиб телефонни қўйиб қўйгани, орадан бироз вақт ўтиб, унга қўнғироқ қилиб, кўришайлик деб гапирганида “бу масала жуда кўришадиган масала эмаску” деб гапирганида унга гап қайтариб ўзаро гап тортишиб кетгани, у ҳам сўкингани, у ҳам унга жавобан сўкиниб тортишиб кетгани, шундан сўнг у уни олдига истаб топиб келмоқчи бўлганида уни укаси Акбархонни ўртоғи Ахадхон эканлигини телефонда гапирганидан сўнг билгани, шундан сўнг акасини ишхонасига бориб уни ўзига шерик қилиб олгани, дастлаб акаси бормаслигини айтгани, шундан сўнг акаси Ахатхон ва харидори Абдулахадхонлар бирга автомашинада махалласини бошида бўлган “Нестле” заводини олдига етиб борганида у билан телефонда гаплашган Ахадхон, акаси Умархон, укаси Авазхон ва қариндошлари Абубакирлар бирга “Ваз-2101” русумли автомашинада келиб, уни олдига келишгани, автомашинадан дастлаб бир ўзи тушиб, улар билан ўзаро асосан Ахадхон билан гаплашган вақтида бир-бирини нотўғри тушуниб узр деб қўлини унга бериши вақтида дастлаб уни Ахатхонни акаси Умархон қўли билан юзига ургани ва ёнида бўлган укаси Ахатхон ва укаси Авазхонлар ҳам ташланиб уриб кетишгани, Ахатхонни урган вақтида ўзини йўқотиб қўйиб



ерга йиқилиб думалаб кетгани, шу орада улар акасини ҳам аёвсиз уришгани, ўрндан пайт пойлаб зўрға туриб ўнгланиб олган вақтида махалладоши Абубакирни акаси Бекзодбек ҳам тўғри келиб ҳеч бир сабабсиз қўли билан мушлаб юзимни бурин соҳасига урганида яна ерга йиқилиб тушгани, жанжал содир бўлаётган жой махаллани боши катта йўл бўлгани сабабли шу ерда яшовчи бир аёл ва эркак чиқиб қўйиб юборишни айтишганида улар уришни тўхтатиб ўша ердан кетишгани у ҳам акаси иккаласи бирга ишхонасига кетишгани, акасини чап қулоғидан қон оқиши тўхтамагани, ўзини бурни ҳам тан жароҳати олиб қон оқаётгани учун Янги Наманган тумани, ҳудудида жойлашган РШТЭИАМНВФга бориб учрашгани, шифокорлар уларга тиббий ёрдам кўрсатишгани, судланувчилар билан ўзаро келишиб олишгани, уларга нисбатан даъвоси йўқлигини, уларга нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида қонуний вакили Э.Қурбанов иштирокида сўроқ қилинган жабрланувчи Содиқов Абдулахадхон Эркин ўғли суд мажлисида 2024 йил 22 апрель куни соат 12 да Наманган шаҳар Янги аср МФЙ ҳудудида жойлашган “Минор” умумий овқатланиш биноси олдида бир ўзи велосипедда келаётган вақтида Аҳадхон Хотамжонов уни тўхтатиб, унга “нимага синглимга гап отдинг” деб айтганида унга синглисини танимаслигини унга гап сотмаганлигини айтишига қарамай қўли билан юз қисмини чап томонига шапалоқ билан ургани, ундан нима сабабдан урганини сўраганида у “синглимга гап сотганинг учун урдим” деб, қўлидаги телефонини бериб “хоҳлаган ишонган одамнингни чақир” деб айтганидан сўнг уни телефонини олиб устаси А.Латипбаевга қўнғироқ қилиб А.Хотамжонов уни уриб ишонган одамини чақиритишни айтгани учун унга қўнғироқ қилганини айтиб телефонни Аҳадхон Хотамжановга бергани, улар иккаласи телефон орқали гаплашиб туришганида у велосипедига миниб ўша ердан кетиб юборгани, судланувчи Аҳадхон Хотамжановга нисбатан даъвоси йўқлиги, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

РСТЭИАМ Наманган филиалининг 25.04.2024 йил кунги 2644/1754-сонли хулосасига асосан А.Э.Содиқовнинг олган тан жароҳатлари чап кўз пастки қовоқ қонталаши, ўнг тирсак орқа соҳаси шилинган кўринишида бўлиб, ушбу жароҳатлар тиббий мезонига кўра, оғирлик даражасига бўйича СОҒЛИҚНИ БУЗЛИШИГА САБАБЧИ БЎЛГАН ЕНГИЛ тан жароҳати гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

РСТЭИАМ Наманган филиалининг 26.04.2024 йил кунги 2638/1691-сонли хулосасига асосан Латипбаев Аҳадхон Абдурахмоновичнинг олган тан жароҳатлари чап қулоқ сапраси, йиртилиши ва чокланиши кўринишида бўлиб, ушбу жароҳатлар тиббий мезонига кўра, оғирлик даражасига бўйича СОҒЛИҚНИ БУЗЛИШИГА САБАБЧИ БЎЛГАН ЕНГИЛ тан жароҳати гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

РСТЭИАМ Наманган филиалининг 29.04.2024 йил кунги 2658/1737-сонли хулосасига асосан Латипбаев Абдулазиз Абдурахмон ўғлининг олган тан жароҳатлари бош мия ёпиқ шикасти, бош мияни чайқалиши, бурун



суяги ёпиқ синиб силжиши, (репозицияга мухтож) бурун ва чап юз соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши ва қонталаши кўринишида бўлиб, ушбу жарохатлар тибий мезонига кўра, оғирлик даражасига бўйича ЎРТА ОҒИР тан жароҳати гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

Суд, давлат айбловчисини хулосасини, судланувчилар, жабрланувчиларнинг кўрсатувини, ҳимоячининг фикрини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчиларнинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби, ўзларининг суддаги айбларига иқроор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, алоқа хати, билдирги, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, экспертиза хулосалари, нарсани олиш ва кўздан кечириш баёномалари, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган далиллар йиғиндиси билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Хотамжонов Умархон Бахтиёр ўғли, Хотамжонов Авазхон Бахтиёр ўғли, Шарифжанов Бекзод Маматхон ўғли, Шарифжанов Абубакр Маматхон ўғли яъни бир гуруҳ бўлиб, такроран, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, жабрланувчилар Латипбаев Аҳадхон Абдурахмонович, Латипбаев Абдулазиз Абдурахмон ўғлини уриш-дўппослаб, баданга ўртача оғир шикаст етказиб, безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга фаол қаршилик кўрсатганликда ифодаланган қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми «г» банди билан;

судланувчи Хотамжанов Аҳадхон Бахтиёр ўғли такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, уриш-дўппослаб, баданга ўртача оғир шикаст етказиб, безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга фаол қаршилик кўрсатганликда ифодаланган қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми «а,г» бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо



ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорнинг 3-бандига кўра, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланиши ҳақида раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20, 28-моддаларига кўра, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак. Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Суд, юқоридаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмалари ва қонун талабларига амал қилиб, судланувчи У.Хотамжоновга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда уни айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, иш ҳолатларини, оилавий шароитини, судланмаганлигини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унга нисбатан айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

судланувчи Хотамжанов Аҳадхонга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда уни айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, иш ҳолатларини, оилавий шароитини, судланмаганлигини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унга нисбатан айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

судланувчи Хотамжонов Авазбекга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда уни айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан



пушаймонлигини, шахсини, иш ҳолатларини, оилавий шароитини, судланмаганлигини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унга нисбатан айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

судланувчи Б.Шарифжановга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда уни айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, иш ҳолатларини, оилавий шароитини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унга нисбатан айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

судланувчи А.Шарифжановга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда уни айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, иш ҳолатларини, оилавий шароитини, судланмаганлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унга нисбатан айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

дастлабки тергов ҳаракатлари акс этган бир дона DVD диск жиноят ишига қўшилганлигини инобатга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20,26-29-моддалари ҳамда ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И

Судланувчи Хотамжонов Умархон Бахтиёр ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Хотамжонов Умархон Бахтиёр ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан 4 (тўрт) йил сутканинг муайян вақтида, яъни соат кечки 22-00 дан эрталабки 06-00га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Хотамжонов Умархон Бахтиёр ўғлига озодликни чеклаш жазосини Наманган шаҳар, “Хақиқат” МФЙ, Марғилон кўчаси 21-уйда ўташ белгилансин ва жазони ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар ўрнатилсин:

- ИИБдан ҳар ойда бир маротаба рўйхатдан ўтиб туриш;
- ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирларда иштирок этмаслик (сайёр қабуллар, ибодат ва дафн маросимлари бундан мустасно);



-Наманган вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-ишга жойлашиш.

Ҳукми ижро қилиш Наманган шаҳар ИИО Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати ҳукм жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

У.Хотамжоновга:

-жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш;

-озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги ҳақида тушунтирилсин.

Судланувчи У.Хотамжоновга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи Хотамжанов Аҳадхон Бахтиёр ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “а,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Хотамжанов Аҳадхон Бахтиёр ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан 4 (тўрт) йил сутканинг муайян вақтида, яъни соат кечки 22-00 дан эрталабки 06-00га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Хотамжанов Аҳадхон Бахтиёр ўғлига озодликни чеклаш жазосини Наманган шаҳар, “Ҳақиқат” МФЙ, Марғилон кўчаси, 21-уйда ўташ белгилансин ва жазони ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар ўрнатилсин:

-ИИБдан ҳар ойда бир маротаба рўйхатдан ўтиб туриш;

-ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

- оммавий ва бошқа тадбирларда иштирок этмаслик (сайёр қабуллар, ибодат ва дафн маросимлари бундан мустасно);

-Наманган вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-ишга жойлашиш.

Ҳукми ижро қилиш Наманган шаҳар ИИО Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати ҳукм жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Хотамжоновга:

-жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш;



-озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги ҳақида тушунтирилсин.

Судланувчи А.Хотамжоновга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи Хотамжонов Авазхон Бахтиёр ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Хотамжонов Авазхон Бахтиёр ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан 4 (тўрт) йил сутканинг муайян вақтида, яъни соат кечки 22-00 дан эрталабки 06-00га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Хотамжонов Авазхон Бахтиёр ўғлига озодликни чеклаш жазосини Наманган шаҳар, “Ҳақиқат” МФЙ, Марғилон кўчаси, 21-уйда ўташ белгилансин ва жазони ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар ўрнатилсин:

- ИИБдан ҳар ойда бир мартаба рўйхатдан ўтиб туриш;
- ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирларда иштирок этмаслик (сайёр қабуллар, ибодат ва дафн маросимлари бундан мустасно);
- Наманган вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;
- ишга жойлашиш.

Ҳукмни ижро қилиш Наманган шаҳар ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати ҳукм жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Хотамжоновга:

-жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш;

-озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги ҳақида тушунтирилсин.

Судланувчи А.Хотамжоновга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.



Судланувчи Шарифжанов Бекзодбек Маматхон ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Шарифжанов Бекзодбек Маматхон ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан 4 (тўрт) йил сутканинг муайян вақтида, яъни соат кечки 22-00 дан эрталабки 06-00га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Шарифжанов Бекзодбек Маматхон ўғлига озодликни чеклаш жазосини Наманган шаҳар, “Янги аср” МФЙ, Марғилон кўчаси 5-уй ўташ белгилансин ва жазони ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар ўрнатилсин:

- ИИБдан ҳар ойда бир маротаба рўйхатдан ўтиб туриш;
- ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирларда иштирок этмаслик (сайёр қабуллар, ибодат ва дафн маросимлари бундан мустасно);
- Наманган вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;
- ишга жойлашиш.

Ҳукми ижро қилиш Наманган шаҳар ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати ҳукм жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Б.Шарифжановга:

-жазони ўташ даврида ўзининг жинойи қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш;

-озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги ҳақида тушунтирилсин.

Судланувчи Б.Шарифжановга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи Шарифжанов Абубакр Маматхон ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Шарифжанов Абубакр Маматхон ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан 4 (тўрт) йил сутканинг муайян вақтида, яъни соат кечки 22-00 дан эрталабки 06-00га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Шарифжанов Абубакр Маматхон ўғлига озодликни чеклаш жазосини Наманган шаҳар, “Янги аср” МФЙ, Марғилон кўчаси 5-уй



ўташ белгилансин ва жазони ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар ўрнатилсин:

- ИИБдан ҳар ойда бир маротаба рўйхатдан ўтиб туриш;
- ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирларда иштирок этмаслик (сайёр қабуллар, ибодат ва дафн маросимлари бундан мустасно);
- Наманган вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;
- ишга жойлашиш.

Ҳукми ижро қилиш Наманган шаҳар ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати ҳукм жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Шарифжановга:

-жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш;

-озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги ҳақида тушунтирилсин.

Судланувчи А.Шарифжановга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Дастлабки тергов ҳаракатлари акс этган бир дона DVD диск жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилингандан бошлаб, судланувчилар ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришлари, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

А.Қахрамонов

